

Аллаяров Нурманбет Ўразимбаевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Академияси, Автомобиль тайёргарлик

кафедраси доценти

**АВТОМАКТАБ ЎҚИТУВЧИ ВА ҲАЙДОВЧИ-ЙЎРИҚЧИЛАРИНИНГ
КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУСТАҚИЛ
ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ.**

Иброҳимов Иброҳим Баҳодирович

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
Автомобиль тайёргарлик кафедраси
ўқитувчиси**

Тел. 91 925 47 47

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимизда малакали ҳайдовчиларни тайёрлашга хукуматимиз томонидан ишлаб чиқилаётган чора тадбирлар, ҳайдовчиларга қўйиладиган талаблар, статистик хисоблаш орқали аниқланганлиги, пиёданинг хавфсизлиги, ҳайдовчилар малакасини ошириш йўллари ва шароитлари ёритилган.

Калит сўзлар: ҳайдовчи, автомактаб, ўқитувчи, пиёда хавфсизлиги бўйича янгича ёндашув, малака ошириш.

Аннотация: В данной статье освещены меры, разработанные нашим правительством по подготовке квалифицированных водителей в нашей стране, требования к водителям, определяемые статистическим расчетом, безопасность пешеходов, пути и условия повышения квалификации водителей.

Ключевые слова: водитель, автошкола, преподаватель, новый подход к безопасности пешеходов, обучение.

Annotation: This article highlights the measures developed by our government to train qualified drivers in our country, the requirements for drivers determined by statistical calculations, the safety of pedestrians, ways and conditions for improving the qualifications of drivers.

Key words: driver, driving school, teacher, new approach to pedestrian safety, training.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш ва илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда, ижтимоий соҳа ҳамда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга стратегик масалалар сифатида алоҳида аҳамият берилган. Жумладан, Концепцияда “мустақил таълим соатлари улушкини ошириш, талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш,

тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, бу борада ўқув жараёнига халкаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш” вазифаси белгиланган. Шунингдек, унда таълим олувчиларнинг мустақил таълим олишлари, мустақил ишлаш, малакаларини узлуксиз ошириш орқали мутахассисларнинг зарурый компетенцияларга эга бўлиши, ижодий яратувчанлик, тадқиқотчилик, мантикий тафаккурини ривожлантиришга эришишлари мумкинлиги таъкидланган.

Аслида, талабанинг мустақил иши деган тушунча унинг аудитория ва ундан ташқарида, ўқитувчи раҳбарлиги остида ёки ўқитувчи иштирокисиз амалга ошириладиган мустақил иш мажмунини англаатади. Мустақил ишининг асосий мақсади талабада ўқув ишларини мустақил бажаришда керак бўладиган билим, кўникма ва малакаларнинг ташкил топиши ва ривожланиши. Мустақил таълим ўқув материалини мустақил ўзлаштириш, мураккаблик даражаси турлича бўлган топшириклар, амалий вазифаларни аудиторияда хамда аудиториядан ташқарида ижодий ва мустақил бажариш асосида назарий билим, амалий кўникма ҳамда малакаларни шакллантиришга қаратилган тизимли фаолият. Мустақил таълим олинган билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш, кўшимча маълумот ёки материални мустақил ўрганиш мақсадидаги ўқув шакли. Мустақил иш ўқитувчининг топшириғи ва унинг раҳбарлигига ўқув вазифасини ҳал этадиган таълимнинг фаол методи. Мустақил иш бу қўйилган мақсад билан боғлиқликда талабаларнинг аниқ фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишdir. Талабанинг мустақил ишлари унинг юқори даражадаги фаоллик, ижодийлик, мустақил таҳлил, ташаббускорликка ҳамда барча вазифаларни ўз вақтида ва мукаммал тарзда бажаришга асосланган фаолиятидир.

Мустақил иш қандай шароитларда амалга оширилади:

1. Бевосита аудиторияда — маъруза, амалий машғулот, семинар ёки лаборатория ишлари бўйича вазифалар бериш жараёнида.

2. Ўқитувчи билан дарс жадвалидан ташқари пайтлардаги бевосита мuloқot чоғида маслаҳатлар беришда, ижодий мuloқotлар жараёнида, карздорликни йўқотишда якка топшириқ бажаришда ва бошқалар.

3. Кутубхонада, уйда, талабалар уйларида, кафедраларда талаба томонидан ўқув ёки ижодий топширикларни бажариш жараёнида. Бу иш турлари орасидаги чегаралар жуда қатъий бўлмасдан, бирбирига осонликча ўтиб туриши мумкин. Шуни таъкидлаш жоизки, талабаларнинг мустақил ишлари аудиторияда ҳам, ундан ташқарида ҳам бўлиши мумкин. Аудиториядан ташқаридаги мустақил ишлар асосий ўрин тутади. Мустақил иш бўйича тест саволлари, топшириклар ва машқлар устида ишлаш асосан мустақил бажарилади. Бу иш натижалари эса аудитория (амалий ва лаборатория) машғулотларида ўқитувчи раҳбарлигига таҳлил қилинади ва баҳоланади. Демак, мустақил иш ва аудитория машғулотлари бир-бирини тўлдиради, талабаларнинг билим ва касбий компетенцияларини оширади. Талабалар мустақил ишлари (кейинги ўринларда ТМИ)ни ташкил этишдаги асосий вазифа ҳар қандай шаклдаги машғулотларда интеллектуал ташаббус ва тафаккурни ривожлантириш учун психологикдидактик шароитларни яратишдан иборатдир. ТМИни ташкил этишдаги бош тамойил талабаларнинг индивидуал ишлашга ўтишларини таъминлаш бўлиши керак. Бунда айрим топширикларни формал ва

пассив бажаришдан уни онгли ва фаол бажариш сари йўллаш асосий ўрин тутиши керак. ТМИнинг мақсади аввал ўқув мазмуни билан, кейин эса илмий ахборотлар билан мустақил ишлашга ўргатиш, ўз-ўзини йўналтириш ва ривожлантириш асосларини, кейинчалик ўз малакасини мунтазам ошириб бориш кўникмасини ҳосил қилишдир ТМИ натижали бўлиши эса унинг фаол назорати билан боғлиқ. Назоратнинг қўйидаги турлари мавжуд: кириш (дастлабки) назорати, бунда талабанинг навбатдаги фан ўрганилишидан олдин шу фанга оид билим ва малакалари назорат қилинади; жорий назорат, яъни маъруза, амалий ёки лаборатория машғулотларида материалнинг ўзлаштирилиши мунтазам равишда назорат қилиб борилади; оралиқ назорат, бу курсдаги муайян бўлим ёки қисмнинг тугашига боғлиқ бўлади; ўз-ўзини назорат қилиш — фанни ўрганиш жараёнида назорат ишларига тайёрланишда талабанинг ўзи томонидан амалга оширилади; якуний назорат — фан ўқиб бўлингач имтиҳон ёки синов шаклида ўтказилади.

Мустақил таълим- ўқув материалини мустақил ўзлаштириш, мураккаблик даражаси турлича бўлган топшириклар, амалий вазифаларни аудитория ҳамда аудиториядан ташқарида ижодий ва мустақил бажариш асосида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган тизимли фаолият. Мустақил иш - ўқитувчининг топширифи ва раҳбарлигига ўқув вазифасини ҳал этадиган таълимнинг фаол методи. Мустақил иш қўйилган мақсад билан боғлиқликда талабаларнинг аниқ фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишдир. Талабанинг мустақил ишлари унинг юқори даражадаги фаоллик, ижодийлик, мустақил таҳлил, ташаббускорликка ҳамда барча вазифаларни ўз вақтида ва мукаммал тарзда бажаришга асосланган фаолиятидир. Мустақил таълим деганда, таълим олувчининг ўзи ўз билимларини кенгайтириш, малака ва кўникмаларини ошириш мақсадида ташаббус кўрсатиб, ўқитувчи ёки бошқа таълим муассасасининг бевосита раҳбарлигисиз амалга оширадиган таълим фаолияти тушунилади.

Касбий компетенцияларини ривожлантириш инсоннинг касбий фаолиятида юқори натижаларга эришиш ва унинг профессионал даражасини ошириш учун муҳим омилдир. Қўйида касбий компетенцияларини ривожлантириш учун асосий қадамлар келтирилган:

Биринчи мақсадларни белгилаш: аниқ ва ўлчаш мумкин бўлган мақсадларни белгилаш касбий компетенцияларини ривожлантиришда биринчи қадамдир. Бу сизга қандай кўникмалар ва билимларни ривожлантириш кераклигини аниқлашга ёрдам беради.

Иккинчидаги малака ошириш: тўғри малака ошириш курсларини топиш ва уларда иштирок этиш. Онлайн курслар, семинарлар ва тренинглар касбий компетенцияларингизни яхшилашда ёрдам беради.

Учинчи таълим ва ўқиш: янги билим ва кўникмаларни эгаллаш учун мунтазам равишда ўқиш ва ўрганиш. Бу мактабда олинган таълимдан ташқари, мустақил равиша ўқишни ҳам ўз ичига олади.

Тўртинчи тажриба орқали ўрганиш: амалий тажриба касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг энг самарали йўлларидан бири. Лойиҳаларда иштирок этиш, янги вазифаларни бажариш ва муаммоларни ҳал қилиш орқали ўзингизни ривожлантириш мумкин.

Бешинчи фикр ва муносабатларни ўрганиш: тажрибали мутахассислардан маслаҳат олиш ва уларнинг фикрларини ўрганиш орқали касбий компетенцияларингизни ривожлантириш мумкин.

Олтинчи мунтазам равиша баҳолаш: ўзингизнинг касбий компетенцияларингизни баҳолаш ва ривожланиш даражасини текшириб туриш. Бу орқали

кучли ва заиф томонларингизни аниқлаб, ривожланиш стратегиясини тузиш. Шунингдек, соҳадаги профессионал тармоқлар билан боғланиш ва уларда фаол иштирок этиш ҳам касбий компетенцияларини ривожлантиришга ёрдам беради. Бизнинг фикримизча, автомактабларда мустақил таълимни ташкил этиш, хайдовчиларнинг назарий билимларини мустаҳкамлаш ва амалий кўникмаларини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга хисса қўшади.

Тадқиқот давомида автомактабларда мустақил таълим қўйидагича ташкил этилиши мумкинлиги биз томоннимиздан таклиф этилди:

Онлайн платформалар: Ҳар бир ўқувчига шахсий кабинет берилади. Ўқув материаллари (видеодарслар, тестлар, симуляциялар) онлайн тарзда тақдим этилади. Ўқув жараёнини кузатиш ва назорат қилиш имконияти мавжуд бўлади. Ўқувчилар бир-бирлари билан мулоқот қилиб, саволлар беришлари мумкин.

Мобил иловалар: Йўл ҳаракати қоидаларини ўрганиш учун мобил иловалар яратилади. Тестлар, симуляциялар орқали билимларни текшириш мумкин. Исталган вақт ва ҳар қандай жойда ўқиш имконияти берилади.

Электрон китобхоналар: Ҳайдовчиликка оид турли адабиётлар, қўлланмалар ва мақолалар электрон шаклда тақдим этилади. Талабалар ўзлари учун қизиқарли бўлган маълумотларни топиб, ўрганишлари мумкин.

Симуляторлар: Турли йўл шароитларида ҳайдаш машқларини симуляторда амалга ошириш мумкин. Аварияли вазиятларда тўғри ҳаракат қилишни ўрганиш имконини беради.

Мустақил лойиҳалар: тўқувчиларга мустақил лойиҳалар берилади (масалан, йўл ҳаракати хавфсизлигига оид тақдимот тайёрлаш, мақола ёзиш). Бу лойиҳалар орқали талабалар ўрганган билимларини амалиётда қўллаш имконига эга бўладилар.

Автомактабларда мустақил таълимни самарали ташкил этиш учун қўйидагиларга эътибор бериш лозим:

Ўқув материалларининг сифатига яъни, тақдим этиладиган материаллар тушунарли, қизиқарли ва замонавий бўлиши керак.


Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш зарур ҳар бир ўқувчининг билим савияси ва қизиқишлигини инобатга олиб, индивидуал таълим режаларини тузиш.

Мунтазам назоратни олиб бориш керак ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини мунтазам равишда назорат қилиб бориш.

Мулоқотнинг давомийлиги яъни, ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида доимий мулоқотни таъминлаш. Ўқув жараёнининг техник жиҳатига эътибор қаратиш барча зарур техника воситалари ва интернет тармоғи билан таъминлаш.

Олиб бориладиган мустақил таълимнинг афзалликларини қўйидагиларда кўриш мумкин:

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ



Автомактаблардаги мустақил таълимнинг афзаликлари.

Ўқув жараёнини индивидуаллаштириш ҳар бир ўқувчи ўз қизиқиши бўйича ўқиши мумкин. Вақт ва макондан танлаш исталган вақт ва ҳар қандай жойда ўқиш имконияти фойдаланишдир. Билимларни чукур ўзлаштириш маълумотни қайта-қайта такрорлаш ва мустаҳкамлаш имкони беради. Амалий кўникмаларни ривожлантириш симуляторлар орқали амалий машқларни бажаришдан иборат. Автомактабларда мустақил таълимни ташкил этиш, ҳайдовчиларнинг касбий маҳоратини ошириш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда муҳим қадам бўлади. Ҳайдовчи-йўриқчиларнинг мустақил таълими, уларнинг касбий маҳоратини ошириш ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу жараён, нафақат янги қонун-қоидалар ва технологиялар билан танишиш, балки педагогик маҳоратни ошириш, психология асосларини ўрганиш ва бошқа кўплаб жиҳатларни ўз ичига олади.

Бунда мустақил таълимнинг аҳамияти:

Доимий янгиланиб боришни тақазо этади ва бу йўл ҳаракати қоидалари ва технологиялар тез-тез ўзгариб туради. Мустақил таълим бу ўзгаришларга мослашишга имкон беради. Касбий ўсиш бу ўз устида ишлаш йўриқчиларнинг ўзларини ишончли ва профессионал ҳис қилишларига ёрдам беради. Сифатли хизмат кўрсатиш кўникмасига эга бўлиш янги билим ва кўникмалар йўловчиларга янада сифатли хизмат кўрсатиш имконини беради. Ҳайдовчиларнинг стрессга чидамлилигини ошириш турли вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш ва стрессга чидамлилигини оширишга ёрдам беради.

Автомактабларда олиб бориладиган мустақил таълим қўйидаги шакллардан иборат:

- адбиётларни ўрганиш ҳайдовчиликка оид маҳсус адабиётлар, қонун-қоидалар тўпламлари, психологияяга оид китобларни ўқиш.

- семинар ва тренингларда қатнашиш маҳсус ташкил этилган семинар ва тренингларда янги билим ва кўникмаларни олиш.

- онлайн платформалармаҳсус онлайн платформалардаги видеодарслар, тестлар, симуляциялар орқали ўзини баҳолаш.

- ҳамкаслар билан тажриба алмашишда ҳайдовчи-йўриқчилар билан муҳокама қилиш, уларнинг тажрибасидан фойдаланиш.

- психолог билан маслаҳатлашишда ҳайдовчилик жараёнидаги психологик жиҳатларини ўрганиш ва муаммоларни ҳал қилиш.

Кузатишлармиз давомида мустақил таълимни ташкил этишдаги қийинчиликлар ҳам эътиборга олинди. Қийинчиликларни кузатиб ўз навбатидат ечимлар ҳам биз томоннимиздан таклиф этилди.

Бу вақт етишмаслиги иш жадвалининг бандлиги сабабли вақт топиш қийин бўлиши мумкин. Ечими: Кун давомида бўш вақтларни аниклаб, уларни ўқишига ажратиш, аудиокитоблар ёки подкастлардан фойдаланиш.

Мотивациянинг пасайиши ўз устида ишлаш жараёнида мотивация пасайиши мумкин. Ечими: Мақсадларни белгилаш, кичик ютуқлар учун ўзини тақдирлаш, ҳамкаслар билан рақобат муҳитини яратиш.

Хулоса

Автомактабларда олиб бориладиган мустақил таълимнинг аҳамияти ҳайдовчи-йўриқчининг профессионал ўсиши учун муҳим инвестициядир. Бу нафақат унинг ўзи учун, балки йўловчилар ва жамият учун ҳам фойдалидир. Шунинг учун, ҳар бир ҳайдовчи-йўриқчи ўз устида доимий ишлаб, билим ва кўникмаларини такомиллаштириб бориши керак.

Психология ва педагогикага доир билимлар коммуникация психология,

конфликтли вазиятларни ҳал қилиш, одамлар билан муносабатларни ўрнатиш, педагогик маҳорат фанлари;

Туризм ва маданиятига доир маълумотлар Ўзбекистоннинг тарихи ва маданияти, саёҳат маршрутлари, маҳаллий аҳолининг урф-одатлари ва анъаналаридан хабардорлик;

Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш авария ва фавқулодда вазиятларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш асосий тиббий кўрик ва муолажалар, адабиётларни танлаш мезонларига эга бўлиш;

Долзарблик маълумотларнинг замонавийлиги ва амалдаги қонун-коидаларга мувофиқлигини билиш;

Тушунарлилик мураккаб илмий терминларсиз, оддий ва тушунарли тилда ёзилганлиги;

Амалийлик олинган билимларни амалий фаолиятда қўллаш имкониятини бериш;

Муаллифнинг малакаси маълумотнинг ишончлилиги ва муаллифнинг соҳадаги тажрибасини билиш, қаердан адабиёт топиш мумкинлиги;

Китоб дўконларидан маҳсус адабиётлар бўлимидан фойдаланиш, электрон кутубхоналардан интернетдаги бепул ва тўловли электрон кутубхоналар хизматига мурожаат этиш;

Ўкув марказлари ва автомактабларнинг кутубхоналари, маҳсус адабиётлар тўпламларидан фойдаланиш;

Нашриётларнинг веб-сайтлари янги нашр этилган адабиётлар билан мунтазам танишиб бориш.

Мустақил таълим вақтида тушунарсиз ахборотлар дуч келса, тажрибали ҳайдовчи-йўриқчилардан ёки мутахассислардан сўрашдан тортинманг. Ўрганган билимларингизни амалий фаолиятингизда қўлланг. Йўл ҳаракати соҳасидаги янгиликларни кузатиб боринг.

Ҳайдовчи-йўриқчилар учун маҳсус адабиётлар билим даражасини ошириш, касбий маҳоратни ривожлантириш ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш учун муҳим асосдир.

Ҳайдовчи-йўриқчиларнинг малакасини баҳолаш, уларнинг касбий тайёргарлиги, билим даражаси ва амалий кўнимларини аниқлашга қаратилган муҳим жараёндир. Бу жараён орқали йўловчи ташуви сифатини ошириш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва бутун транспорт тизимини такомиллаштиришга эришилади.

Автомактаб ўқитувчи ва ҳайдовчи-йўриқчиларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришда малакани баҳолаш қўйидаги усулларидан фойдаланишни тавсия этамиш:

Назарий билимларни текшириш. Тест синовлари, йўл ҳаракати қоидалари, транспорт воситаларининг тузилиши, биринчи тиббий ёрдам ва бошқа соҳалар бўйича билимларни текшириш учун тестлардан фойдаланилади. Амалий топшириклар. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш, схемаларни таҳлил қилиш ва бошқа амалий топшириклар орқали билимларни баҳолаш. Амалий кўнимларни баҳолашда ҳайдаш машқларини бажаришига кўра, турли йўл шароитларида ҳайдаш малакасини баҳолаш. Йўловчилар билан мулокот қилиш ва муаммоли вазиятларни ҳал қилиш қобилиятини баҳолаш. Транспорт воситасини техник жиҳатдан текшириш ва оддий бузилишларни бартараф этиш қобилиятини баҳолаш таклиф этилди. Белгиланган мезонлар асосида ҳайдовчи-йўриқчининг касбий маҳоратини баҳолаш ва тегишли гувоҳнома аттестация жараёнда берилади. Малакани баҳолашнинг мақсади, ҳайдовчи-йўриқчиларнинг касбий тайёргарлиги даражасини аниқлаш, Касбий маҳоратни ошириш бўйича тавсиялар бериш, Йўловчи ташуви сифатини ошириш, Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, Кадрлар захирасини шакллантиришдан иборат. Автомактаб ўқитувчи ва ҳайдовчи-йўриқчиларнинг малакани баҳолашнинг аҳамияти шундаки, ҳайдовчи-йўриқчиларнинг малакасини баҳолаш, транспорт соҳасидаги сифатни

бошқариш тизимининг муҳим элементидир. Бу жараён орқали йўловчиларнинг хавфсизлиги таъминланади, транспорт воситаларининг техник ҳолати яхшиланади, йўл ҳаракати қоидалари бузилишининг олди олинади, транспорт компаниясининг имижи оширилади. Баҳолаш жараёнини автоматлаштириш ва объективлаштириш учун замонавий технологиялардан фойдаланиш.

Хулоса қилиб айтганда ҳайдовчи-йўриқчиларнинг малакасини баҳолаш, транспорт соҳасидаги муҳим вазифа бўлиб, бу жараённинг самарадорлиги йўловчиларнинг хавфсизлиги ва транспорт тизимининг умумий самарадорлигини белгилайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. 2024 йил 19 январдаги Ўзбекистон Республикаси “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги 900-сон қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2022 йилнинг 4 апрел кунидаги “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-190-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигига 2022 йил 11 февраль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Хавфсиз ва равон йўл” тамойили.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 172-сонли қарори.
5. Иброҳимов И.Б. (2022). Йул-транспорт ҳодисаларининг таҳлили, келиб чиқиш сабаблари ва ҳозирги кунда олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар. *Siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnalı*, 1(2), 75-80.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 июлдаги Автомотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда уларни имтиҳондан ўтказиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ВМҚ-393-сон қарори.
7. И.Б. Иброҳимов. Автомактабларда ҳайдовчи-йўриқчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш методикаси // Eurasian journal of law, finance and applied sciences Journal has been listed in different indexings ISSN 2181-2853 189-193 б 2022 йил декабрь Т.
8. WWW.KUN.uz .